

**РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ**

Ҳ. Мамадалиева

Оила кутубхонаси

**АЁЛЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказ
ходимлари учун услубий қўлланма

Тошкент 2016

Ҳ. Мамадалиева. Аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш йўллари: услубий қўлланма. – Т.: “РОИАМ” 2016, 20 б.

Мазкур қўлланма Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 20-июлдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг кенгайтирилган мажлиси 2016 йил 3 июндаги 26-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги ИТД-1 рақамли амалий лойиҳа доирасида Республика “Оила” илмий-амалий марказининг ҳамда Ўзбекистон Республика Меҳнат вазирлиги мутахассислари томонидан яратилган.

Мазкур қўлланмадан жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида фаолият юритаётган мутахассислар, ўзини-ўзи бошқариш органлари мутассаддилари, маҳалла ҳузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари, оилалардаги ота-оналар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Нашр учун масъул: иқтисод фанлари доктори, **Л.П. Максакова**

Такризчи: **Д.А.Артикова** – психология фанлари доктори, доцент

ГЛОССАРИЙ¹

Меҳнат ресурслари — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисодий фаолликнинг қуйи ва юқори ёш чегараларига кирмайдиган ишлаётган шахслар.

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли — ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар).

Иш билан таъминланганлар — кўриб чиқиляётган даврда:

а) пул ёки натурада тақдирлаш учун ёлланиш бўйича ҳафтада камида 2 соат мобайнида иш бажарган шахслар, шунингдек ўз фаолияти учун тақдирланиш ёки даромад олиш муддатидан қатъи назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмаган тарзда иш бажарувчи шахслар;

б) касаллик ёки жароҳат, беморни парвариш қилиш туфайли; ҳар йиллик таътил ёки дам олиш кунлари; ўз иш жойидан ташқарида ўқиш; маъмуриятнинг ташаббуси билан иш ҳақи сақланган ёки сақланмаган ҳолдаги таътил ҳамда бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра ишда вақтинча бўлмаган шахслар;

в) ҳақ тўланмаган ҳолда оилавий корхонада ишларни бажарган шахслар.

Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган (меҳнат органлари томонидан ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иш билан таъминланиш даври ҳам шу жумлага киради) шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга (ёхуд ҳафтада 2 соатдан кам бўлган ҳақ тўланадиган), меҳнат органлари кўмагида ёки мустақил равишда фаол иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга қобилиятли ёшдаги вақтинча иш билан таъминланмаган шахслар.

¹ “Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 42-сонли Қароридаги “Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикаси” номли илова асосида тузилган

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) — меҳнат фаолиятининг даромад келтирувчи ҳар қандай тури билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли. Иқтисодий фаол аҳоли ҳам фуқаролардан бўлган иқтисодий фаол аҳолини, ҳам Қуролли кучларда хизматни ўтаётган шахсларни қамраб олади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли — ишчи кучи таркибига кирмайдиган меҳнатга қобилиятли:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқув юртлирининг (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий ўқув юртлири, курслар, шунингдек кундузги аспирантура ва докторантуралар ҳам шу жумлага кирази) ўқувчилари ва талабалари, тингловчилари ва курсантлири;

ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ишлашни хоҳламайдиган III гуруҳ ногиронлари;

агар бундай иш уларга таклиф этиладиган бўлса даромад келтирувчи ишга киришни хоҳламайдиган ёки бундай имконияти бўлмаган рўзғорни юритиш, болаларни парвариш қилиш, касал қариндошларга қараш билан банд бўлган шахслар;

ихтиёрий равишда ишлашни хоҳламайдиган иш билан таъминланмаган шахслар, шунингдек ишлашни хоҳлайдиган, бироқ ишга жойлашиш ёки ўзини мустақил даромад билан таъминлаш учун ҳеч бир ҳаракат қилмайдиган шахслар.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчиларга расмий статистикада ҳисобга олинмаган ёлланиб доимий, вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчи, шу жумладан ушбу ишларни амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқувчи шахслар; ўз бизнесини юритувчи шахслар; шериклар билан ёлланмаган ҳолда ишловчи шахслар; тақиқланмаган, бироқ рўйхатдан ўтказилмаган фаолиятдан иш ҳақи ёки даромад олувчи шахслар (масалан, мол боқиш ва етиштириш билан шуғулланувчилар, деҳқон бозорлари ва чакана бозорларда харидорлар ва сотувчиларга хизмат кўрсатувчи шахслар, турғун бўлмаган савдо жойларида савдо билан, хусусий киракашлик қилувчи ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчилар).

СЎЗ БОШИ

Меҳнат бозорини ташкил этиш сиёсати. Ўзбекистонда аёл ва эркеклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида аниқ ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилиб, унда хотин қизларга берилаётган имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Унга кўра хотин-қизлар эркеклар сингари ижтимоий-сиёсий, маданий фаолият юритиш, шунингдек, таълим олиш ва касбий тайёргарлик кўриш, меҳнат қилиш ва меҳнатга яраша ҳақ олиш имкониятларига эга. Шу билан биргаликда унда аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган махсус чора-тадбирлар, нафақа имтиёзлари, оналик таътили давомида меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий ҳимоя, оналик ва болаликни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик таътилининг берилиши каби бир қатор имтиёзларга эга экани таъкидлаб ўтилган. Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиги шунингдек, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Жиноят ва бошқа кодексларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг жуда кўпгина мамлакатлар қаторида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларининг имзоланиши кейинчалик аёлларнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини халқаро талабларга мос равишда ҳимоя қилинишига олиб келди. Ўзбекистон “Инсон ҳуқуқлари декларацияси”нинг “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Халқаро пакти”га 1966 йилда, “Аёллар борасида дискриминациянинг йўқ қилиниши ҳақидаги конвенция”га 1979 йилда, Пекин декларацияси ва ҳаракатлар Платформасига 1995 йилда қўшилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон аёлларининг қарор ва қонунлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокини таъминловчи ваколатлари кенгайди. Қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, хотин-қизларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари ташаббуси ва Президент томонидан хотин-қизлар нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларни сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш мақсадида имзоланган махсус фармонлари парламент аъзолари орасида аёллар сонининг ортишига олиб келди.

2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида таъкидланишича, сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган Олий Мажлис депутатлари таркибида аёл депутатлар сони 30% дан кам бўлмаслиги лозим.

Республика иқтисодиётида эркаклар ва аёллар улуши жорий юз йиллик бошига қўйидагича: эркаклар 56% ни ва аёллар 44% ни ташкил этади. Аёллар учун анъанавий меҳнат соҳаларига таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, фан ва хизмат кўрсатиш соҳалари киради. Ҳар йили Ўзбекистонда яратиладиган 1 млн.га яқин янги иш ўринларининг 40% дан зиёди аёллар учун мўлжалланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалиши хотин-қизлар ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди, жумладан, аёллар бандлигини ортиши учун шарт-шароитлар яратилди, энг кам ва ўртача иш ҳақи, икки ёшгача фарзанди бўлган оналар учун нафақа ва вояга етмаган болали оилалар учун нафақа миқдорларининг ортишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳукумати доимий равишда хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб, иқтисодий мустақиллик масаласини ҳам ҳал этмоқда. Аҳолини, айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш масаласида касаначиликнинг, ҳунармандчиликнинг, оилавий бизнеснинг янги турларининг пайдо бўлиши ҳисобига кенгайиб бормоқда. Аёллар бошқарадиган ва асосан хотин-қизлар меҳнат қиладиган корхоналарга имтиёзли кредитлар бериш давом этмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Бозор тизимини ривожлантириш Марказида “Ўз бизнесингни бошла”, “Бизнес билан танишув” ва бошқа махсус курслар фаолият юргизмоқда.

Бандлик сиёсатининг асосий мақсади ишсизларнинг иш излаб топиш жараёнини тезлаштириш, уларни меҳнат бозорида фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Бандлик сиёсатининг асосий воситаларига қўйидагилар киради:

- **Ўқитиш ва қайта ўқитиш.** Ўқитиш ва қайта ўқитиш дастурларининг асосий мақсади ишсиз аҳоли ўртасида рақобатбардошликни кучайтиришга ва кейинчалик уларни иш топиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

- **Бандликка кўмаклашиш.** Ушбу йўналиш бандликни маблағ билан таъминлаш ёки ижтимоий жамғармаларни рўйхатдан чиқариш ҳисобига ҳал этилади.

- **Иш ўринлар яратиш.** Бандлик сиёсати доирасида янги иш ўринларини турли даражадаги ижтимоий аҳамиятдаги ишлар яратиш. Чунки тўлиқ бўлмаган иш куни аёллар учун қулай ҳисобланади, бундан ташқари бундай ишлар аёллар учун одатий уй хўжалигида бажарадиган ишларни такрорлагани сабабли қайта ўқитиш зарурати йўқ.


- **Бандликнинг мосланувчан шаклларини киритиш.** Маданий, сиёсий, институционал фарқларга қарамадан, ҳар ерда хотин-қизлар уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланиладилар. Шунга мувофиқ, иш тартибининг қатъий шакллари бир томондан хотин-қизларни меҳнат бозоридаги имкониятларини чегаралайди, иккинчи томондан иш берувчининг кўз олдида ўз рақобатбардошлигини пасайтиради. Бандликнинг мосланувчан (эгиловчан) шакллари ва биринчи навбатда, тўлиқ бўлмаган иш куни, хотин-қизларнинг иш топиш имкониятларини кенгайтиради.

- **Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.** Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш уларнинг ўз бизнесларини ташкил этиши ва юритишларига кенг имкон яратади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Ўзбекистонда ҳар йили иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқиладиган меҳнат бандлик Дастури Давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу дастурлар республиканинг алоҳида шаҳарлари (туманлари) миқёсида ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Бунинг учун махсус ишчи гуруҳ тузилади ва унга ҳокимнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бошчилик қилади.

Шунингдек, ишчи гуруҳга шаҳар (туман) иқтисодиёт, статистика, меҳнатбандлик бошқармалари бўлимлари раҳбарлари ва дастур доирасида фаолият юритаётган, иш ўринларини яратиб бераётган ташкилот ва корхоналарга кредит ажратаётган ҳудудий банкларнинг бўлимлари киради. Дастур лойиҳасини асосий дастурловчи аҳолини иш билан таъминлаш маҳаллий Маркази ҳисобланади.



Иш излаётганларни иш билан таъминлашнинг тахминий схемаси

Шаҳар (туман) бандлик дастури лойиҳалари вилоят ҳокимиятининг ҳудудий меҳнат бош бошқармаларига жўнатилади. Лойиҳалар асосида ҳокимиятнинг бошқа бошқармалари ва шунга дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда бандлик дастурларининг вилоят дастурлари тузилади ва кўриб чиқиш учун Меҳнат вазирлигига тақдим этилади. Меҳнат вазирлиги лойиҳаларни кўриб чиқиб, уларни келишилган ҳолда, ҳокимиятларга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ҳудудий бандлик дастурлари бир қатор кўрсаткичлар кайд этилиб, унда меҳнатнинг талаб ва тақлифининг миқдорий тавсифи акс эттирилади. Дастурдаги бўш иш ўринларига тақлиф ёки эҳтиёжни баҳолаш жорий йили учун, чорақлар кесимида, аҳолининг қуйидаги ижтимоий-иқтисодий гуруҳларининг прогноз параметрлари асосида аниқланади:

1. Меҳнат бозорига илк бор кириб келганлар:

1.1. Умумтаълим мактаблари битирувчилари;

1.2. Академик лицей битирувчилари;

1.3. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари;

1.4. Олий таълим муассасалари битирувчилари

2. Бўшатишган ишчилар:

2.1. Аграр сектордан ишдан бўшатишганлар;

2.2. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида ишдан бўшатишган ишчилар;

2.3. Хусусийлаштириш жараёнлари натижасида ишдан бўшатишган ишчилар;

2.4. Зарар кўриб ишлаётган (жумладан банкрот бўлган) корхоналар ёпилиши муносабати билан ишдан бўшатишган ишчилар;

3. Жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар;

4. Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишганлар шахслар;

5. Ўз ҳошии билан ишдан бўшатишганлар;

6. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

Бандлик дастурларида қуйидаги йўналишлар аниқланади ва янги иш ўринлари яратилади:

1. Янги объектлар, қайта таъмирланган ва кенгайтирилган ташкилотларда ишнинг йўлга қуйилиши;

2. Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этилиши:

2.1. Саноатда;

2.2. Қурилиш ва уй-жой таъмирлашда;

2.3. Иқтисодиётнинг бошқа секторларида.

3. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

4. Қасаначиликнинг ҳамма турларини ривожлантириш:

5. Шу жумладан, меҳнат шартномалари асосида ташкилотлар билан ҳамкорликда;

6. Дехқон ва фермер хўжаликлари (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхоналарни яратиш) ривожлантириш;

7. Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг ривожлантиришда.

8. Фаолияти тўхтатишган корхоналарнинг қайта тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, тижорат банклари балансига ўтказилган корхоналарни ҳам.

2009 йилдан бошлаб ишлаб чиқилган маҳаллий дастурлар янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастурининг таркибига киритилиб ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланади. Юқоридаги қайд этилган йўналишлар доирасида маҳаллий бандлик дастурларида акс этган янги иш ўринларини таклифининг прогноз кўрсаткичлари асосида Давлат дастурида

келгуси йилда ташкил этилиши режалаштирилган иш ўринлари сони белгиланади.

Бандлик дастурларининг яратилаётган иш ўринларининг сифат тавсифи иш ўринларининг тармоқ структураси асосида белгиланади. Кейинчалик дастур мутахассислари бандликка кўмаклашиш қўйидаги омилларга асосланган бўлиши лозим:

- яратилаётган иш ўринларининг касб-хунар малакаси;
- бандлик хусусияти (доимий, вақтинча, мавсумий);
- бандлик тартиби (тўлиқ, қисқартирилган иш куни);
- бандлик статуси (ёлланиб ишлаётганлар, хусусий корхона эгалари (иш берувчилар);
- меҳнат ҳақининг кутилган даражаси (ва унинг маҳаллий меҳнат бозорида ўртача иш ҳақи билан нисбати) ва б.

Тасдиқланган бандлик давлат дастурида аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш квотаси киритилган. Дастурда белгиланган квоталар асосида иш ўринларининг умумий ҳисобидан аёллар учун янги иш ўринлари ажратади.

Ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, бандлик дастури билан шаҳар (туман) ҳокими хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари ҳам шуғулланади. Шундай тарзда, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастури давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилиб, давлат сиёсатининг хотин-қизларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутати ва давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Бунда бандлик дастурларида иш берувчиларга маъмурий тартибда хотин-қизларга жорий йил учун янги иш ўринларини яратиш мажбурияти юкланади. Бундай вазиятда аёл ўз ҳудуди доирасидан чиқмасдан, унинг қизиқиш ва истакларига мос келмайдиган иш жойи билан чекланиши мумкин.

Келажакда бандлик дастурларини тузишда бошқа мамлакатларнинг бандлик сиёсати борасида тўпланган тажрибаларга максимал даражада суянган ҳолда ишлаб чиқилади. Хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ўрни бандлик ва иқтисодий ривожланишдан қанчалик даражада эркаклар билан бир қаторда фойда олишларини кўрсатади. Агар хотин-қизлар кўшиши мумкин бўлган иқтисодий ҳиссалари, инсон потенциали ва қобилиятлари тўла даражада руёбга чиқмас экан давлат томонидан маълум даражада

ортиқча иқтисодий ва ижтимоий сарф-харажатлар кўрилиши мумкин. Хотин-қизлар бандлиги ва уларнинг иқтисодий фаоллиги даражасини ошириш ва ҳолат таҳлили шуни кўрсатадики, хотин-қизлар ва эркаларнинг меҳнат қилишда тенг ҳуқуқлар билан таъминлаш ва хотин-қизларнинг фаолиятини енгиллаштирувчи омилларни мавжудлиги муҳим, масалан туғилиши билан боғлиқ таътил назарда тутилади.

Яна бир муҳим жиҳат бу аёлларни норасмий сектордаги фаолиятидир. Бу борадаги давлат сиёсати авваломбор, оилавий шароити тақозо қилганда, хотин-қизларга меҳнат фаолиятини уй рўзғор ишлари билан бирга олиб бориш имкониятларини яратишга қаратилиши лозим. Бундан ташқари, бундай сиёсатнинг юргизилиши хотин-қизлар ишсизлиги кўрсаткичини пасайиши ва муддатини узайишига олиб келади.

Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида бизнес муҳитини янада яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга бозорга кириш ва чиқишдаги маъмурий чегараларнинг камайиши, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашуви, солиқ тизимнинг соддалашиши ва солиқ юқини камайиши, хўжалик субъектига турли имтиёзларнинг берилиши, молиявий ва моддий техник база ресурсларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хотин-қизларнинг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлиқ фаолият олиб бориши мумкинлигини кафолатлайди. Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини таъминлаш ва гендер тенгликка эришиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Меҳнат ҳақидаги Қонунда аёллар учун махсус меъёрлар белгилаб қўйилган. 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг асосий қоидалари Жаҳон меҳнат ташкилоти қоидаларига мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида қуйидагиларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган:

- оила мажбуриятларини бажараётган хотин-қизлар ва бошқа шахсларга;
- ёшларга;
- иш билан ўқишни бирга олиб бораётган шахсларга.

Бу имтиёз ва кафолатлар ишга қабул қилишда, иш ҳақини ҳисоблашда, таътилар беришда, инсон соғлиғига салбий таъсир этувчи ишларга қабул қилишда ва бошқаларда белгиланади.

Масалан, ишга қабул қилишда иш берувчи аёлнинг ҳомиладорлиги ёки болаларини инобатга олиб ишга қабул қилишдан воз кечиши мумкин эмас. Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган, ер остида фаолият юритиш лозим бўлган ишларда хотин қизлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади (тиббий ёрдам кўрсатиш ва маиший хизматда ишлаётганлар бундан мустасно). Шунингдек, тунда ишлаш, иш вақтидан ташқари ишлаш, дам олиш кунларида ишлаш, ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган фарзанди бўлган (16 ёшга кирмаган ногирон болалари бўлган) аёлларни ўз хоҳишидан ташқари хизмат сафарларига жўнатиш ҳам мумкин эмас. 3 ёшгача фарзанди бўлган аёллар ва бюджет ҳисобида ишлайдиган ташкилот ва корхоналарда ишлаётган аёллар иш ҳажми ҳафтасига 35 соатдан ошмаслиги лозим.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғруқ таътили берилиши кўзда тутилган. Бу таътил туғруққача 70 кун ва туғруқдан кейин 56 кунни ташкил этади. Агар аёл эгизак ва ундан ортиқ фарзанд кўрса ёки туғруқ қийин кечган бўлса туғруқдан таътил 70 кунга чўзилиши мумкин. Таътил вақти тугагач, аёл ўз хоҳишига кўра уч ёшга қадар бола парвариши учун таътил олиши, агар 2 ёшгача ишга чиқишни маъқул кўрса, унга қўшимча дам олиш ва овқатланиш вақтидан ташқари болани вақти-вақти билан овқатлантириш учун ҳам қўшимча танаффус вақтлари ажратилади. Қайд этилган имтиёзлар бюджет ташкилотлари, шунингдек, хусусий корхоналар учун ҳам бирдай амал қилади ва тадбиркорлик субъектларининг меҳнат муносабатларида акс этади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Ҳукумати хусусий бизнесни молиялаштирилишининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда хусусий бизнесни микрокредитлаш тизимини шаклланишига сўнгги йилларда қабул қилинган “Кредит бирлашмалари ҳақида”ги, “Микрокредит ташкилотлари ҳақида”ги, “Микромолиялаштириш ҳақида”ги Қонунлар туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида бир неча йилдан бери кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш Бошқармаси фаолият юритиб келмоқда. Бошқарманинг асосий вазифаси амалдаги ва қайта ташкил этилган кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш ва қўллаб қувватлаш мақсадида барча қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг ижросини қаттиқ назорат қилишни таъминлашдан, ушбу қонунларни такомиллаштиришга доир янги таклифлар билан чиқишдан, назорат органларининг тафтиши қонунга мос равишда олиб борилаётганини текширишдан иборат. Вазирлик маълумотларига асосан, мустақиллик йилларида тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимояси борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Меҳнат Вазирлиги қошида фаолият юритаётган аҳолини бандлигига кўмаклашиши жамғармаси янги корхона ишини йўлга қўяётган ва олиб бораётган аёлларга имтиёзли кредитлар бериш орқали аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ёрдам бериб келмоқда.

Тадбиркорларга ёрдам кўрсатишда нодавлат тузилмалари фаоллик қилмоқдалар, масалан Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, фермер хўжаликлари ассоциацияси ва бир қатор нотижорат нодавлат ташкилотлири ва республиканинг турли жойларида фаолият юритаётган тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Марказлари ўрин олган.

Хотин-қизлар Кўмитаси бошқа жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликда, айниқса, “Тадбиркор аёл” уюшмаси билан аёлларни тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга жалб этиш ва қишлоқ аёллари учун микрокредитларнинг имтиёзли турларидан фойдаланиш бўйича кенг

тарғибот ишларини олиб бормоқда. Қўмитанинг вилоят бўлимларида ресурс марказлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий мақсадларидан бири хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобланади.

Мамлакатнинг иқтисодий юксалишини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлат ва хусусий сектор ўртасида юзага келадиган масалаларни ҳал этишда тадбиркор хотин-қизларнинг иштироки ва ваколатларини кенгайтирадиган ижтимоий шерикчилик механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бунга асосан тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган қонуний асослар, шунингдек уларга тенг имконият берувчи қонунлар ва хотин қизлар тадбиркорлигини ривожлантирувчи давлат дастурлари қабул қилиниши лозим.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусан, кичик корхоналарни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисоланади. Чунки хусусий корхоналар кундан кунга давлатнинг асосий иқтисодий омилига айланиб бормоқда. Янги қонунчиликнинг вужудга келиши ва хусусий корхоналар учун қулай муҳитни яратилганлиги ва бозор иқтисодиётининг ривожини борасидаги қабул қилинган дастурлар кўпгина ҳолларда бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар яхшиланганини кўрсатади.

Шунга қарамасдан, кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омиллар мавжуддир. Корхоналарнинг катта-кичиклигидаги фарқ, корхона потенциали, иш йўналиши ва гендер ёндашувга айнан аёллар кўпроқ мойиллигини инобатга олсак тадбиркор-аёллар юқоридаги ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар таъсирига тезроқ тушадилар.

Аёллар томонидан таъсис этилган ва бошқариладиган кўпгина корхона ва ташкилотлар касаначилик шаклида фаолият кўрсатади. Кўпгина тадбиркор-аёллар кенг истеъмол товарларини кичик ҳажмда ишлаб чиқаришга, соғлиқни сақлашга, таълим, хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Қишлоқ жойларида хотин-қизлар бизнеси кичик корхона ва микрофирма шаклида иш юритадилар.

Кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари тадбиркор-аёлларнинг эҳтиёжини тўла даражада қондира олмаганлиги

сабабли, тадбиркор-аёлларнинг мавжуд эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш, янги корхоналарни барпо этиш учун фаолиятни диверсификациялаш, уларни ноанъанавий ва юқори фойда келтирувчи соҳаларга диққатини қаратишда маслаҳатлар ва амалий ёрдам беришни йўлга қўйиши лозим бўлади.

Тадбиркор-аёллар бизнесни олиб боришда маълум даражада ўзига хос гендер муаммоларига дуч келади, буларга, молиявий имкониятларни (хусусий мулкка эгалик қила олмаслик, етарли гаров маблағга эга бўлмаслик) чекланганлиги; бизнесни олиб боришда уй-рўзгор мажбуриятларини тадбиркорлик фаолияти билан тенг олиб бораётган хотин-қизлар учун кўпайтириладиган бюрократик тўсиқлар; бизнесни фаол олиб бориш учун етарли ахборот, билим, кўникма, техник ресурсларнинг етишмаслиги; шунингдек, миллий-маданий анъана ва қадриятларни кўрсатиш мумкин. Аёллар учун ажратилаётган микрокредитларнинг мақсадли дастурлари аёлларнинг молиявий хизматларга қизиқишлари мўллигини кўрсатсада, тижорат банкларидан кредитларни олиш масаласи ҳали ҳам чегараланган. Хусусий секторни шакллантириш лойиҳаларини режалаштиришда узоқни кўзлаган тадбиркор-аёлларнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва “хотин-қизлар бизнесини” кичик ва хусусий тадбиркорликнинг умумий секторига бирлаштириш лозим.

Ишини йўлга қуяётган аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида доимо фаолият кўрсатувчи бизнес-таълим курслари, ҳуқуқий ва норматив маълумот берувчи, бизнес консалтациялар, “устоз-шогирд” муносабатлари, тармоқланган тузилмаларнинг яратилиши, мамлакат ичкараси ва ташқи иқтисодий алоқаларини яхшилашни қўллаб қувватлаш бўйича курсларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, кичик ва микрокорхоналарга микромолиялаштириш ва микрокредитлаш каби молиявий хизматларни таклиф қилаётган ташкилот тизимларининг кенгайтириши ҳам эътиборга лойиқ. Аммо бу борада янада саъйи ҳаракатларни кучайтириб, қишлоқ жойларидаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга имтиёзли кредитларни бериш дастурларини ишлаб чиқиш лозим. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган кичик корхоналар очиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини кўпайтириш зарур.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожланитиршнинг яхлит инфратузилмасини таркиб топтиришда асосий вазифаси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва тартибга солишдан иборат бўлган ҳукумат ташкилотлари билан бир қаторда хусусий ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳам кириши лозим. Масалан, қишлоқ хўжалиги тизимида эркакларга қараганда аёллар кўплиги инобатга олинса, 100 минг фермер хўжаликларидан фақатгина 1,5% аёллар томонидан бошчилик қилинади. 20 мингдан ортиқ аъзоси бўлган Савдо-саноат палатасининг аёллар томонидан бошчилик қилинадиганлари бор-йўғи 2%ни ташкил этади.

Аёлларни хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳолатлари жуда кам учрагани сабабли уларни молиявий маблағга эга бўлишдан, жумладан, кредит маблағларига эга бўлишдан ҳам чегаралайди. Ўзбекистонда тадбиркор аёлларга катта эътибор қаратилгани сабабли ҳукумат қарорлари асосида уларга кредит йўллари очилиши мумкин.

Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркор аёл ассоциацияси ҳамкор қарорлари асосида ишсиз аёллар “Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш асослари”, “Ўз бизнесингни бошла” дастурлари асосида ўқитилмоқда. Ундан ташқари аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, кредитлар бериш, кредит уюшмаларини ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 4,5 трлн. сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси ва АТБ Микрокредитбанк билан ҳамкорликдаги тасдиқланган қўшма қарорга мувофиқ ҳар йили республиканинг ҳамма ҳудудларидаги қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга қарор қилган хотин-қизлар учун семинарлар ташкил этилади. Шундай ижобий кўрсаткичларга қарамастан, хотин-қизлар тадбиркорлигига ажратилган кредит улуши 10% ни ташкил этади ва сўнгги уч йилда пасайиши кузатилди. Кредит муносабатининг ўзгариши ва гаровнинг ўрнига унга тенг бўлган кафолат хати ёки гаровсиз жисмоний шахслар томонидан кафил бўлиш хати хотин-қизларнинг кредит улуши миқдорини оширишга олиб келган бўларди.

Эркаклар билан бу у қадар катта муаммони келтириб чиқармайди, чунки улар юқорида қайд этганимиздек, асосий мулк эгалари ҳисобланиб, гаров сифатида шу мулкни қўйишлари аёлларга нисбатан осон кечади.

Инвестиция ҳажмининг ошиши ялпи даромаднинг юксалишига ва бандлик билан таъминланишнинг кўрсаткичларини сезиларли даражада оширади. Инвестицияларнинг бир жойда тўпланишидан қатъий назар Бандлик ўсиши ҳамма ҳудудларда бир хил тақсимланган. Бу сўнгги ўн йилда инвестицион оқим молиявий кўп маблағ талаб қиладиган соҳалар ва ишлаб чиқариш фойдасига қайта тақсимланади. Юксалтириш қийин бўлган секторлар йилдан йилга етарли инвестицияланмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бундай инвестицион сиёсат инвестицияларнинг юқори фойда келтирувчи секторларида тўпланиши лозим бўлганлиги сабабли иқтисоий фойда нуқтаи назаридан тўғри ҳисобланмоқда.

Шундай бўлсада, аёлларни бандлигини оширишга таъсир этувчи аниқ механизмлар мавжуддир. Масалан, касаначилик билан шуғулланадиган уй эгалари корхоналар мулк солиғидан озод этиладилар. Касаначилик билан шуғулланувчиларнинг асосий қисми аёллар эканини инобатга олсак, бу солиқ имтиёзи назарий жиҳатдан, бунга аниқ маълумотлар келтирилмаса ҳам, аёллар бандлигига алоқадор. Жисмоний шахсларнинг солиқ тўловлари доирасида аёллар учун махсус имтиёзлар белгиланган. Солиқ кодексига асосан, 10 ёки ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар, шунингдек, икки ёки ундан ортиқ фарзанди бўлган ёлғиз оналар, солиқдан қисман озод этиладилар (ЎзР СКнинг 180 моддаси). Хавфли (оғир) ва соғлиқ учун зарарли шароитларда ишлаётган аёлларнинг даромад солиғи даражаси 20% дан ошмаслиги керак (ЎзР СКнинг 181 м). Ўн ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар хусусий мулки бўлган мулк солиғидан озод этиладилар (ЎзР СКнинг 275 м). Албатта, келтирилган имтиёзлар хотин-қизларнинг бандлигига тўғридан-тўғри алоқаси йўқ, лекин бир мунча аёллар фаолиятини енгиллаштиради.

Шундай қилиб, давлат сиёсати хотин-қизларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни мақсадида қуйидагиларни назарда тутати:

□ хотин қизларнинг меҳнат бозорида эркаклар билан рақобатбардошлилик қила олишлари мақсадида узлуксиз ўз касбий маҳоратларини ошириб бориши механизмини шакллантириш;

□ аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи давлат дастурларини манфаатдор томонларни жалб этиш орқали ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, шу дастурни амалга оширишда бюджет маблағларини ажратиш;

□ ишсиз ва тадбиркорликни бошлаётган хотин-қизларга таълим ва маслаҳат хизматлари, шунингдек, бизнес-инкубаторлар тузилмасини шакллантириш;

□ микрокредитлаш орқали хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий кредитлаш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

□ аёллар, айниқса қишлоқ жойларидаги аёллар тадбиркорлигини, қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида халқаро грантлар ва хайрия ёрдамини жалб этиш;

- шаҳар ва қишлоқдаги ишсиз хотин-қизларга шароит яратиш мақсадида кичик бизнес ва касаначилик тизимининг ҳамкорлигини кучайтириш.

МУНДАРИЖА

Глоссарий	3
Сўз боши	5
Ўзбекистонда иш билан таъминлаш давлат сиёсати	7
Хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳолати таҳлили.....	13

Ҳ. Мамадалиева

**АЁЛЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Босишга 26.12.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84^{1/16}.

Ҳажми 1,25 босма табоқ.

Адади 50 нусха.

70-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.